

УЎТ: 633.19.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА АМАРАНТ ЎСИМЛИГИНИНГ
АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ****Ш. Т. Саидганиева.***Ўрмон хўжалиги инновацион ривожлантириши
маркази кичик илмий ходими*

Аннотация. Ушбу мақолада Амарант ўсимлигини етиштириш давомида ушбу ўсимликка зарар етказувчи асосий зараркунандаларнинг турлари ва уларнинг амарант етиштилаётган майдонларда учраш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Амарант, унинг асосий зараркунандари, лавлаги шираси, лавлаги бургаси, уларнинг учраш даражаси

Аннотация. В данной статье представлены результаты исследований по определению основных видов вредителей, поражающих это растение при выращивании амаранта, и их распространенности на территориях выращивания амаранта.

Ключевые слова: Амарант, его основной вредитель, свекловичная тля, свекловичная блошка, степень их встречаемости.

Амарант ўсимлиги юқори маҳсулдорлиги, қимматбаҳо кимёвий таркиби туфайли ҳозирги пайтда дунёда ундан озиқ- овқат, ем- хашак, сидерат экинлари сифатида фойдаланиш ва биологик фаол моддалар олишда муҳим аҳамиятга эга

БМТнинг озиқ- овқат бўйича (ФАО) экспертлари амарантни мавжуд маданий ўсимликлар орасида инсон ва жамият тараққиёти учун энг фойдали жиҳатлари, асосийси иқтисодий томондан катта даромад келтириши ўрганилиб – “XXI аср ўсимлиги” деб эълон қилинди. АҚШ олимларининг тадқиқотларига кўра, амарант оксили биологик қиймати бўйича 100 балли баҳолаш тизимида – 75 балли, буғдой оксили - 56,9, соя донлари - 68, сигир сути – 72,2 балл билан баҳоланди.

Амарант ниҳоятда об- ҳавога чидамли ўсимлик бўлиб, у қурғоқчилик ва кучли ёғингарчиликларга, кучли шамолларга ва ҳатто енгил совуқларга ҳам бардош бера олади. Бу, айниқса, сифатли озиқ- овқат ёки чорвачилик учун озуқа ишлаб чиқаришда яхши даромад келтирадиган юқори маҳсулдор экин. Аммо у ҳам барча ўсимликлар сингари зараркунандалар ҳужумларига мойил ўсимликдир.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда амарант ўсимлиги зараркунандалардан тўлиқ нобуд бўлиши ҳеч қайси адабиётларда қайд этилмаган бўлсада, аммо зараркунандалар амарант донини (ёки универсал) ва ем- хашак учун ўстирилган амарант ҳосил миқдори сезиларли даражада камайиши олиб келади.

Зараркунанда хашаротлар амарант барглари ва кўп миқдорда зарар етказди. Уларнинг энг кучли зарарлаш даражаси ўсимликнинг вегетация даврида хисобланади. Европалик олимларнинг тадқиқотларича хосили пишган амарант учун барча зараркунандалар унчалик хавфли эмас ва одатда, ҳосилнинг 10% дан кўп бўлмаган миқдорини нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, амарант ўсиши даврида кўплаб зараркунандалар билан зарарланганда ўсимликнинг 40 фоизгача нобуд бўлишига олиб келади.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқотлар 2021- 2023 - йилларда Андижон вилояти Мархамат ва Андижон туманларида олиб борилди Ушбу амарант етиштирилаётган майдонларда амарант зараркунандаларининг турлари ва уларнинг ривожланиши кузатилди, намуналар йиғилди. Шу билан бирга модул ўсимликлар белгиланиб, ушбу ўсимликлардаги марокаш чигирткаси, гўза тунлами, лавлаги поя узунбурунининг миқдори ва унинг энтомофаг турлари мавсумда давомли тадқиқ этилди. Назорат хар 3- 5 кунда ўтказилди ва лабораторияда энтомофагларнинг тур таркиби аниқланди (1- жадвал).

Лаборатория ва дала тадқиқотлари энтомология ва ўсимликларни химоя қилишда қабул қилинган усуллар асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Амарант ўсимлигини март ойидан то июн ойигача етиштириш давомида ушбу ўсимликда энтомофаунасини улар орасидан зарарли ва фойдали турлари тарқалганлигига гувоҳ бўлдик. Дастлаб амарант ўсимлигини эккан давримиздан то 3-4 чинбарг чиқаргунгача бўлаган даврда зарарланиш ҳолатларини учратмадик. Амарант ўсимлигини 3-4 чинбарг чиқариши билан эса кемирувчи зараркунандалар билан зарарланганига гувоҳ бўлдик. Тажриба майдонимизда чирилдоқлар ва лавлаги поя узунбурунини учратдик ва бу зараркунандалар амарант ўсимлигига жиддий зарар келтираётганлигини кузатдик. Май ойидан бошлаб эса амарант ўсимлиги лавлаги шираси билан зарарланиши қайд этилди.

Тадқиқот натижаларига кўра амарант етиштирилаётган майдонда лавлаги шираси учраб, амарантларнинг ёш новдаларини ва ўсув нуқталарини кучли зарарлаганлиги аниқланди. Лавлаги шираси амарант ўсимлиги поясида 8-10 та баргларида чиқиш вақтида ўсимликни зарарлай бошлади. Бу одатда, иссиқ ҳудудларда иссиқ ва қуруқ мавсумда содир бўлади. Амарант ўсимлиги ширалар билан зарарланиши Андижон вилояти шароитида май ҳамда июн ойларига тўғри келди. Зараркунанда баргларининг пастки томонларини ва ўсимликнинг

ўсув нуқталарини зарарлади. Шундай қилиб, шира кўплаб зараркунандалар билан деформацияланадиган ва қурийдиган асосий ва латерал куртакларининг юқори қисмида тўпланади.

Зарар кўрган ўсимликларнинг уруғи сифати пасаяди ва ушбу сифат пасайиши 35% ни ташкил қилади. Шира озуқа навлари бўйича кўпайганда, ҳосил йўқотилиши 55% га етиши мумкин.

1-жадвал.

Амарант етиштириладиган тажриба майдонимизда учровчи зараркунандалар турларининг ва уларнинг учраш даражаси (Андижон вилояти, 2021-2023 йй).

№	Хашоратларнинг номи	Учраш даражаси
1	Лавлаги поя узунбуруни (<i>Lixus subtilis</i>)	+++
2	Лавлаги оддий узунбуруни(<i>Asproparthenis punctiventris Germ</i>)	++
3	Ғўза тунлами (<i>Heliothis armigera</i>)	+++
4	Лавлаги шираси (<i>Aphis fabae</i>)	++
5	Акация шираси (<i>Aphis craccivora</i> Koch.)	+
6	Лавлаги бургаси (<i>Chaetocnema concinna</i> Marsh.)	++
7	Марокаш чигирткаси (<i>Dociostaurus maroccanus</i>)	+++
8	Полиз чигирткаси (<i>Heteracris pterosticha</i>)	++
9	Дала чирилдоғи (<i>Gryllus campestris</i>)	++
10	Яшил темирчак (<i>Tettigonia viridissima</i>)	++
11	Яшил бронза қўнғизи (<i>Potosia marginicollis</i>)	+
12	<i>Asproparthenis obsoletefasciata</i>	+
13	Шилимшик курт, пявица (<i>Lema melonopus</i> L.)	++
14	Чўтир бронза қўнғизи (<i>Oxythyrea cinctella</i>)	+
15	(<i>Halyomorpha halys</i>)	++
16	Беда қандаласи (<i>Adelphocoris lineolatus</i>)	+
17	Дала қандаласи (<i>Lygus pratensis</i>)	++
18	Зарарли хасва (<i>Eurygaster integriceps</i>)	+
19	Ўтлок куяси (<i>Loxostege sticticalis</i>)	++

Изоҳ: +++ кўп, ++ ўртача, + кам тарқалган.

Бундан ташқари тажриба майдонимизда лавлаги ширасидан ташқари лавлаги бургасининг ҳам зарари ва ўсимликнинг имаголари ҳам кўп миқдорда учради. Лавлаги бургаси барг қўнғизлари оиласига мансуб бўлиб, у амарантнинг яшил қисми(асосан барглари) га зарар етказди.

Қўнғизлар барглар орасидан кемиради. Зараркунандаларнинг кучли зараридан, баргларнинг 45% гача ҳар хил юпқалаш даражасидаги "тўр" га айланади. Лавлаги бургаси етук зотлари ўсимликнинг илдиз қисмига зарар етказмайди. Лекин унинг личинкалари ўсимлик илдизлари билан озиқланади.

Хулоса. ўрнида шуни айтиш мумкинки, ушбу бешта зараркунанда ҳозирги кунда Ўзбекистон шароитида амарант ўсимлигига зарар етказмоқда. Бунда кўпроқ лавлаги поя узунбуруни, ғўза тунлами ва мароқаш чигирткаси бошқа зараркунандаларга нисбатан тажриба майдонимизда кўп учрамоқда. Бошқа турдаги зараркунандалар ўсимликни зарарласада юқоридаги зараркунандаларга нисбатан камроқ учраши аниқланди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, тажриба майдонимизда ушбу зараркунандаларнинг энтомофаглари олтинкўзлар, 7 нуқтали хонқизи ва 2 нуқтали хонқизи учраш даражаси юқори эканлиги аниқланди. Ушбу зараркунандаларга қарши, агротехник, биологик курашларни ўз вақтида сифатли ўтказиб борилса кимёвий препаратларни қўллашга эҳтиёж қолмайди. Шу билан биогаликда табиатда учрайдиган энтомофаглари ҳам сақлаб қолган бўламыз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М. Аманова., У. Хуррамов., Б. Рустамов. “Жозибали Амарант гули” Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги сайти
2. Ш.Эргашев “Амарант — ХХИ аср кашфиёти “ Халқ сўзи.2017 й
3. Национальная академия наук. Амарант: современные перспективы древней культуры . Вашингтон, округ Колумбия: Национальная академия наук; 1984 г.
4. Саидганиева Ш.Т., Туфлиев Н.Х Амарант ўсимлигининг биологик хусусиятлари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти Аграр фани хабарномаси 1(85)2021 йил
5. Saidganieva, S. T. Q. (2021). Andijon viloyati sharoitida dorivor amarant o'simligini yetishtirish texnologiyasi. Scienceand Education, 2(5), 111-115.
6. Саидганиева Ш.Т., Туфлиев Н.Х “Виды основных вредителей растения амарант и степень их встречаемости” международная научно-практическая конференция по теме “Инновационные технологии защиты растений в продуктовой безопасности” 2021 год (2) с 240.
7. Nodirbek, T., & Kizi, S. S. T. (2021). Cultivation of the medicinal plant amaranth and its entomofauna. Universum: химия и биология, (11- 2 (89)), 70- 73.